

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

520 Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Интеллектуал мулк объектларини халқаро норма ва стандартларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унга хос бўлмаган ва умрини ўтаб бўлган вазифаларни бекор қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятига замонавий интерфаол давлат хизматларини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш; ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан ўтказиш, рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишни ташкиллаштириш;

Давлат патент фонди ва интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш ва олиб бориш, иқтисодиётнинг реал секторининг хўжалик юритувчи субъектлари, илмий ташкилотлар, олим ва мутахассисларнинг маълумотлардан самарали фойдаланиши учун уларнинг сақланиши ва фойдаланиш қулайлигини таъминлаш;

интеллектуал мулк соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига «бир дарча» тамойили асосида интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш;

миллий интеллектуал мулк объектларини чет элда ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича корхоналар ва ташкилотларга консултив ва амалий кўмак бериш, шунингдек интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ижро этувчи аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 61 кишидан иборат янгиланган тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг янги Низомини тасдиқласин, унда, мазкур қарорда белгиланган унинг асосий вази-фалари ва фаолияти йўналишларига мувофиқ Агентликнинг функциялари тубдан ўзгартирилиши назарда тутилсин, шунингдек халқаро ҳуқуқий меъ-ёрларга тўғри келмайдиган, ўз умрини ўтаб бўлган ва унга хос бўлмаган функциялар тугатилсин, шу жумладан:

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган авторлик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилишини, бунда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Берн конвенциясига мувофиқ тегишли асарнинг яратилгани фақти бўйича авторлик ҳуқуқининг юзага келишини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ваколатларини такрор-ламаслик учун мулкый ҳуқуқларни кўпчилик асосида бошқараётган ташки-лотларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга лицензия шартнома-ларини рўйхатга олишнинг амалдаги механизмини такрорламаслик учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида интеллектуал мулк объектларидан фой-даланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Иқти-содиёт вазирлиги, Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлан-тириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва ташки-лотлар билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уни халқаро стан-дартлар ва талабларга мослаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Ахбо-рот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2016-2017 йилларда «Интеллектуал мулк» ахборот тизими яра-тилишини таъминласин, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

патентларга электрон буюртмалар бериш ҳамда патент фондининг маъ-лумотлар базасини барча учун фойдаланиши мумкин бўлган кўринишда шакллантириш;

«бир дарча» тамойили асосида интеллектуал мулк соҳасидаги давлат интерактив хизматларини жорий этиш.

6. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ходим-ларини аттестациядан ўтказиш бўйича Комиссия 2-иловага* мувофиқ тар-кибда ташкил этилсин.

Комиссия (А.Н. Арипов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ходимларини белгиланган тартибда аттеста-циядан ўтказишни ҳамда уни юқори малакали ташаббускор, интеллектуал мулк соҳаси масалалари бўйича зарур билим ва амалий тажрибага эга кадр-лар билан бутланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-сининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

45 (753)-сон

— 5 —

520-521-моддалар

24 майдаги ПҚ–1536-сонли қарорининг 2-банди ва 3-банди биринчи хатбо-
шиси, шунингдек 1 ва 2-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор ва-
зирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатла-
рига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида
Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-
каси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 октябрь,
ПҚ–2637-сон